

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ (ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАР МИСОЛИДА)

Якубов Искандар Одилович

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, ўқитувчи

Назарова Умида Бахтияровна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, магистр


Аннотация: Ушбу тезисда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвесторлар учун муҳим хусусиятлар, инвестицион жозибadorлик, инвестицион салоҳият борасида Тошкент шаҳрига яқин бўлган пойтахт шаҳарлар тажрибаси ўрганилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестор, инвестицион жозибadorлик, инфратузилма, имтиёз, инвестицион муҳит.

Иқтисодиётни юксалтиришда миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг миқдорини кескин ошириб бориш ва улардан юқори самарadorликда фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай давлат жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан, дунёдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, уни хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишсиз эришилишини тасаввур қилиш қийин.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур инвестиция муҳити ва кафолатларини яратиш хорижий инвесторлар билан таъминлашнинг энг муҳим шarti таркибий тузилма ҳисобланади. Худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шartларидан бири худуд иқтисодиётининг

ривожланиш ҳолати ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицион салоҳиятини кўтариш ҳисобланади.



Хорижий инвестицияларнинг ривожланишида мамлакатлар, қитъалар муҳим рол ўйнайди, шу билан бирга пойтахт шаҳарларнинг ҳам аҳамияти катта. Хорижий инвестицияларни жалб қилмоқчи бўлган шаҳар янги технологиялар оқими, аҳолини иш билан таъминлаш, бюджет даромадларини ошириш, миллий рақобатни кучайтириш, ялпи ҳудудий маҳсулотни ошириш бўйича ўзини ўзи таъминлашни хоҳлайди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда шаҳарнинг қулай бизнес муҳити, қонунийлиги (шу жумладан, қонуний имтиёзлари), малакали кадрларнинг мавжудлиги, инфратузилмаси (йўллар, транспорт, коммуникация, ахборот, алоқа) каби омиллар таъсир кўрсатади. Шаҳарларда қанча кўп омиллар комбинацияси кузатилса, ушбу шаҳар хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлади. Инвесторлар учун энг жозибадор инновацион тармоқлар, рақамлаштириш ва яшил иқтисодиётдир.

Москвада беш йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият юритаётган иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тизими шаҳарга инвестицияларни жалб этишга катта ҳисса қўшмоқда. Булар ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари: кредитлар ва субсидиялар, ҳамда номолиявий: ишлаб чиқариш объектларини имтиёзли шартларда жойлаштириш, солиқ юкини камайтирадиган махсус мақомларни олиш ва бошқаларни назарда тутади. Хорижий инвесторларни шаҳардаги қулай иишбилармонлик муҳити, ривожланган инфратузилма, юқори малакали кадрлар мавжудлиги ўзига жалб қилмоқда. Шаҳарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан бирга уларни муҳим йўналишларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, уларнинг техник иқтисодий

асосланиши ва экспертизаси, лойиҳавий таҳлил, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва молиявий тартибга солиш каби бир қатор янги кўплаб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

2021-йилнинг дастлабки олти ойида Москва шаҳрига жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми Германиядан-8,7 миллиард долларни, Франциядан- 4,9 миллиард долларни, Финляндиядан – 4,3 миллиард долларни, Америка Қўшма штатларидан – 3,7 миллиард долларни, Италиядан – 3,6 миллиард долларни ташкил қилган. Осиё давлатлари ҳам пойтахт иқтисодиётига сармоя киритмоқда. Бу минтақа Москванинг йирик ҳамкори ҳисобланади. Москва шаҳри 2021-йилнинг январь-июль ойларида Сингапурдан – 2,2 миллиард доллар, Япониядан – 2,0 миллиард доллар, Қозоғистондан – 1,6 миллиард доллар, Кореадан – 970 миллион доллар, Хитойдан – 907 миллион доллар инвестиция жалб қилган.

Пойтахтнинг иқтисодий сиёсатидаги муҳим кўрсаткичларидан бири тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Қўшни мамлакатимиз Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳри йил сайин жозибадор бўлиб бормоқда. Охириги 5 йилда хорижий инвестициялар оқими 10 баробарга ошган. Шунингдек, 2014-2020-йилларда жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 4,3 миллиард АҚШ долларни ташкил этган. Жалб қилинган хорижий инвестициялар натижасида, шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватлари, хусусан лак-бўёқ маҳсулотлари, оқава сувларни тозалаш ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари, гўштни қайта ишлаш мажмуалари ишга туширилди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвесторлар инвестиция киритаётган шаҳрида психологик тўсиқларга, ҳуқуқий муаммоларга, ахборот муаммоларига, инвестиция хатарларига дуч келмасликни исташади, шунинг учун хорижий инвестиция жалб қилаётган ҳар бир шаҳар ушбу юқоридаги омилларни бартараф этишлари лозим. Янги, яхши инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш, рақамли инвестицияни йўлга қўйиш, корхоналарни

трансформация қилиш кабилар ҳам инвестиция киритиш учун муҳимдир. Жалб қилинган инвестицияни тўғри йўналтириш, ыйтисодиётни ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий амалий қўлланма. –Т.: 2017.
2. Асқарова М.Т. ва бошқалар. Макроиқтисодий сиёсат. Дарслик. Т.: - 2021.
3. Экономикаи Россияи.”<http://www.imce.ru>”

